

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Тошкент ш. – г. Ташкент

13 март 2018 й.г. № 197

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида” 2017 йил 18 декабрдаги ПҚ–3437-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида” 2017 йил 18 декабрдаги ПҚ–3437-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмуродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 13 мартдаги
197-сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим
қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ташқи савдо фаолиятини тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2001 йил 2 февралдаги 66-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 2-сон, 9-модда) 3-илованинг изоҳидаги “Инвестиция дастурига” сўзлари “ривожланиш давлат дастурига” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 83-модда):

а) 2-иловада:

41-банддаги “қатъий амал қилган ҳолда” сўзларидан кейин “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси” сўзлари қўшилсин;

47-банднинг иккинчи хатбошидаги “тасдиқланган Инвестиция дастури” сўзлари “тасдиқланган ривожланиш давлат дастурлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

Низом иловасининг 1-босқич “Тадбирлар” устунидаги матн қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қурилишларнинг манзилли ва титул рўйхатларини, келгуси йиллар лойиҳалаш ишларининг манзилли рўйхатларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 декабрдаги ПҚ–3437-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ келишиб оладилар ва тасдиқлайдилар”.

б) 6-илованинг 9-банди “а” кичик банди иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирлик ва идораларнинг топшириғига биноан 3 йиллик муддатга мўлжалланган ривожланиш давлат дастурларига киритилган лойиҳаларнинг параметрларини аниқлаштириш ва келгусида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига белгиланган тартибда тақдим этиш учун уларга янги лойиҳаларни қўшиш бўйича таклифлар тайёрлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 декабрдаги ПҚ–3437-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга асосан қурилишларнинг манзилли рўйхати лойиҳаларини келгусида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишиш учун тайёрлайди”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 сентябрдаги 401-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 84-модда) билан тасдиқланган Фойдаланилмаётган асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тартиби тўғрисида низомда:

а) 5-банднинг “а” кичик банди иккинчи хатбошисидаги “Инвестиция дастурига” сўзлари “ривожланиш давлат дастурларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 24-банднинг “а” кичик бандида:

иккинчи хатбошисидаги “Инвестиция дастурига” сўзлари “ривожланиш давлат дастурларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошига “корхоналар бўйича” сўзларидан кейин “Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси” сўзлари қўшилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги 239-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 10-сон, 53-модда) билан тасдиқланган Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш ҳамда уларнинг қўлланилишини давлат томонидан назорат қилиш тартиби тўғрисида низомнинг 21-бандида:

“е” кичик бандидаги “Инвестиция дастурига” сўзлари “ривожланиш давлат дастурларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

“ж” кичик бандидаги “Инвестиция дастурига” сўзлари “ривожланиш давлат дастурларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 августдаги 229-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 8-сон, 59-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона қурилиш регламентининг (I қисм) 33-банди иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 декабрдаги ПҚ-3437-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисида низомга асосан шакллантирилади”.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 3 февралдаги 19-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 2-сон, 6-модда) билан тасдиқланган Ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизмати соҳасидаги дастурларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш бўйича Махсус республика комиссияси тўғрисида низомда:

а) 29-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Комиссия қарори қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ривожланиш давлат дастурларини келгуси йилга шакллантириш учун Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига тақдим этилади”;

б) 30-банднинг биринчи хатбошисидаги “Инвестиция дастурининг манзилли қисмига” сўзлари “ривожланиш давлат дастуриларининг” сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 январдаги 3-сон қарори билан тасдиқланган Шаҳарлар ва шаҳар посёлкалари ҳудудларини ривожланиш ва қуриш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шунингдек уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомнинг рус тилидаги матнида:

а) 4-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари, 13-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги “Инвестиционную программу” сўзлари “государственные программы развития” сўзлари билан алмаштирилсин.

б) 1-илованинг биринчи қаторидаги “Инвестиционной программы” сўзлари “государственных программ развития” сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 мартдаги 159-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 3-сон, 34-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 11-банддаги “Инвестиция дастурлари” сўзлари “ривожланиш давлат дастурлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 14-бандда:

биринчи хатбошидаги “Иқтисодиёт вазирлиги” сўзлардан кейин “ва Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси” сўзлари қўшилсин;

тўртинчи хатбошидаги “Инвестиция дастури” сўзлари “ривожланиш давлат дастури” сўзлари билан алмаштирилсин.

в) 1-илованинг рус тилидаги матнида:

4-босқич позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« 4-й этап	Государственный комитет по инвестициям, Министерство экономики и Министерство финансов включают утвержденные параметры адресной программы в проекты государственных программ развития и Государственного бюджета на предстоящий год.	август - октябрь	Государственный комитет по инвестициям, Министерство экономики, Министерство финансов	»;
------------	--	------------------	---	----

6-босқич позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

6-й этап	В соответствии с утвержденными государственными программами развития и результатами проведенных конкурсных (тендерных) торгов в установленном порядке заключаются договоры, утверждаются адресные списки строек по согласованию с Государственным комитетом по инвестициям, Министерством финансов и Министерством экономики.	январь	Совет Министров Республики Каракалпакстан, хокимият Хорезмской области, Государственный комитет по инвестициям, Министерство финансов, Министерство экономики	».
----------	---	--------	---	----

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида” 2017 йил 10 майдаги 266-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2017 й., 19-сон, 342-модда) 8-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигига 2018 йилда ва кейинги йилларда Институт ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек уларни зарур мебель, ташкилий техника ва инвентарь билан жиҳозлаш учун Ўзбекистон Республикаси ривожланиш давлат дастурларининг капитал қўйилмалар лимитлари доирасида маблағлар ажратилишини таъминласинлар”.

10. Вазирлар Маҳкамасининг “2017-2019 йилларда “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарининг транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини жадал ривожланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 2 июндаги 341-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 23-сон, 468-модда) рус тили матнидаги 11-банди биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“11. Государственному комитету Республики Узбекистан по инвестициям, Министерству экономики, Министерству финансов Республики Узбекистан при формировании государственных программ развития Республики Узбекистан на 2018 год и последующие годы в установленном порядке предусматривать включение в них инвестиционных проектов, предусмотренных к реализации в рамках Программы, с учетом».

11. Вазирлар Маҳкамасининг “2017–2019 йилларда Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 30 июндаги 450-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 27-сон, 616-модда) 1-иловининг 29-позицияси “Тадбир номи” устунидаги “Инвестиция дастурлари” сўзлари “давлат ривожланиш дастурлари” сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг “2017-2019 йилларда “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлик-фарм” ва “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зоналари ҳудудида транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ишлаб чиқариш инфратузилмаларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 2 сентябрдаги 691-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 36-сон, 956-модда) 7-банди биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги 2018 йилга ва келгуси йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантиришда уларга ушбу Дастур доирасида амалга ошириш назарда тутилган инвестиция лойиҳаларини белгиланган тартибда киритишни назарда тутсинлар, бунда қуйидагилар ҳисобга олинсин:”.

13. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 18 сентябрдаги 740-сон қарорида:

а) 13-банддаги ва 1-иловининг 16-банди учинчи хатбошидаги “Инвестиция дастури” сўзлари “ривожланиш давлат дастурлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловининг 12-бандидаги “Инвестиция дастури” сўзлари “ривожланиш давлат дастурларни” сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 13 ноябрдаги 911-сон қарорининг 13-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“13. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги 2018 йил ва келгуси йиллар учун Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари параметрларини шакллантиришда Марказ ўқув корпусларида қурилиш-тиклаш ишларини молиялаштириш ва талабалар шаҳарчасининг тўлиқ фаолият кўрсатишини таъминлаш учун Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг асосланган ҳисоб-китоблари асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан капитал маблағлар ҳисобидан тегишли маблағлар ажратилишини назарда тутсин”.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 13 мартдаги
197-сон қарори
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган деб ҳисобланаётган баъзи қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурини шакллантириш тартиби тўғрисида” 1997 йил 12 майдаги 240-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Асосий қиймат ва моддий балансларни тасдиқлаш тартиби ва муддатлари тўғрисида” 1998 йил 19 августдаги 355-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан давлат мониторинги тўғрисида” 2000 йил 4 январдаги 1-сон қарори.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2003 йил 28 февралдаги 112-сон қарорига илованинг 27-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 19-модда).

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳамда баъзиларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2005 йил 22 февралдаги 73-сон қарорига 2-илованинг 6-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 2-сон, 13-модда).

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2009 йил 15 октябрдаги 274-сон қарорига илованинг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2009 й., 43-сон, 456-модда).

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида” 2015 йил 4 февралдаги ПФ–4702-сон Фармони)” 2015 йил 27 июндаги 171-сон қарорининг 70-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 6-сон, 51-модда).

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 31 мартдаги ПФ–4996-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 4 апрелдаги ПК–2868-сон қарори)” 2017 йил 21 августдаги 651-сон қарорига илованинг 5-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 34-сон, 893-модда).